

Амир Хусайн Мовароуннахр тахти учун асосий даъвогар бўлиб турган бир дамда унга ишончли суянчик лозим бўлган ва бундай номга барлос уругидан бўлган Тарагай Баходирнинг ўгли Темур энг муносиб номзод сифатида эътироф этилган. Икки ўртадаги иттифокни мустахкамлаш учун никох энг макбул чора хисобланган. Темур ва Амир Хусайн иттифокини мустахкамлашга амирнинг синглиси Ўлжой Туркон ога сабабчи бўлган.

**Энг муносиб куёв**

Бу иттифокнинг келажаги порлок бўлишини Мовароуннахр хукмдори, Амир Козагон олдиндан кўра билган. Бунга бир катор ходисалар замин яратган. Хирот амири Малик Хусайн Мовароуннахр тахтини амир Козагондан тортиб олиш умидида Самарканд томон юриш бошлаган. Амир Козагон Нурмушк огага уйланаётган Темурни бошка беку ноиблари каторида хизматига чорлаган. Малик Хусайн ва Козагон орасидаги киргинбарот жангда Темур ўзини намоён этган. Урушдан сўнг Амир Козагон ўз набираси Амир Хусайнни Хирот хокими этиб тайинлаган, Темур эса Кешга кайтиб тўйини давом эттирган. Саккиз ой ўтиб Малик Хусайннинг укаси Амир Бакара Хиротда исён кўтарган ва Амир Хусайнни зиндонга ташлатиб, ўзи тахтни эгаллаган. Амир Козагон вазиятни тиклашни Темурга топширган ва у уч минг кўшин билан зиммасига юклатилган вазифани аъло даражада адо этган. Бундан кўнгли тогдек кўтарилган Амир Козагон Темурни илик кутиб олган ва барча саркардалари олдида Тарагай Баходирнинг ўглига суюкли набираси - Ўлжой Турконни никохлаб берган. Набирасига сеп сифатида йигирма уюр туя, от хамда кирк отар кўй кўшиб берган. Бундан ташкари, тўйга совга-салом сифатида кимматбахо гиламлар, уй-рўзгор анжомлари ва бошка нодир буюмлар тухфа этилган. Амир Хусайн эса синглисига, тилла зеб-зийнатлар хадя килган. Козагоннинг севимли куёвига айланган Темур Мовароуннахр хукмдорини бир неча бор хавф-хатардан саклаб колган ва бунинг эвазига Козагон барлос уругидан бўлган бекни Шибиргон шахрининг хокими этиб тайинлаган. Шу тарика хали ўттиз ёшга тўлмаган Темур кўп нарсага эришган: хукмдорнинг набирасига уйланган ва якка ўзи шахарни бошкара туриб, давлатни юритиш хакида билим ва кўникмаларга эга бўлган.

## Етти кечаю етти кундуз давом этган тўй

Ўлжой Туркон оганинг кадди-комати расо, корачадан келган, киприклари узун, кўзлари эса тим кора бўлган. Темурнинг харбий зафарлари хусусидаги гаплар Ўлжой Турконнинг хам кулогига етиб борган ва у огасининг Сароймулкхонимга уйланганида иштирок этган Темурни кўрган, лекин унга турмушга чикиши кизнинг хаёлига келмаган. Темур ва Ўлжойнинг тўйига Козагоннинг барча амиру беклари ташриф буюришган. Тўй бир хафта давом этган. Орадан бир йил ўтиб, Темур хонадонида ўгил -Умар Шайх дунёга келган. «Бир томонда огам, бир томонда турмуш ўртогим...» Кутилмаганда Мовароуннахр ички низолар майдонига айланган. Бунга кекса Амир Козагоннинг шикорда фитна сабаб катл этилиши замин яратган. Бу фитнанинг ортида мўгул хони Туглук Темур турган. Козагоннинг ўгли - Мирзо Абдуллох хокимиятни бошкаришга укуви бўлмаган ва саройни ишратхонага айлантирган. Бунинг окибатида махаллий бек ва амирлар унга карши исён кўтаришган ва маишатпараст Абдуллох Хиротга кочиб, умрининг охиригача ўша ерда яшаган. Бўшаб колган тахт учун хон ва амирлар ўзаро кураш олиб боришган. Улар орасида Амир Хусайн ва Шибиргон хокими Темур хам бўлган. Бу иккала амирнинг ниятидан хабардор бўлган беклар уларни бир-бирига карши кайрашган. Бу миш-мишлар ва фиску-фасоддан энг кўп Ўлжой Туркон азият чеккан. Тарозининг бир палласида огаси, иккинчисида севимли эри турган. Уларнинг иккиси хам холис хакам сифатида Ўлжойга мурожаат этишган. Бу борада Темурга омад кулиб боккан. У навнихол завжасининг акли ва фаросатига таяниб иш кўрган. Хон оиласида тарбияланган бу аёл кўпчиликни таниган ва уларнинг феъл-атвори хамда насл-насаби (тахт учун курашда бу катта ахамият касб этган) тўгрисида эрига кимматли маълумотларни етказиш баробарида Темурга у ёки бу зодагон билан кандай муомала килишда маслахатлар бериб турган.

## Икки хукмдорни бирлаштирган сингил

Икки ўртадаги келишмовчилик Темурнинг мўгул хони Туглук Темур хизматига ўтгач, тобора кескинлашган. Туглукхон Мовароуннахрни Мўгулистон таркибига кўшиб олиш учун юз минглик кўшин билан бостириб келган. Темур ўша пайтда Самарканд хокими бўлган бўлса-да, хоннинг кўп сонли кўшинига карши чика олмаган. Амирлар ёвга карши иттифок тузишдан бош тортишган ва хар бири таркок тарзда ўзига бириктирилган жойни бошкаришни афзал деб билган. Туглук Темурга карши урушда енгилишига кўзи етган Темурнинг мўгул хонига таслим бўлишдан ўзга чораси колмаган. У шу харакати билан Мовароуннахрнинг талон-тарож бўлишининг олдини олган. Энг ахамиятли томони, Туглук Темур Мовароуннахрни ўзининг номидан бошкариш хукукини Амир Темурга берган. Ўлжой Туркон эрининг бу хатти-харакатини огасига тушунтириб, уларни

яраштиришга уринган ва уринишлари самара берган. Амир Хусайн ва Темур мўгулларни ватандан кувиб чикариш учун бир туг остида бирлашишган. Харбий юришлар асносида Темур биринчи хотини Нурмушк ога билан ўгли Жахонгирни Каршига, иккинчи хотини Ўлжой билан Умар Шайхни Бухоро якинида катта кўргони бўлган тогаси Абдулла мерганникига юборган. Дастлабки юришларда иттифокдошларга омад кулиб боккан, кейин тарих зарваракларида «Лой жанги» номи остида киритилган жангда Амир Хусайн ва Амир Темур какшаткич зарбага дуч келишган. Бунга ягона лашкарбошининг йўклиги ва Амир Хусайннинг Темур айтган маслахатларга кулок солишни истамагани сабаб бўлган. Маглубиятдан сўнг Темур ва Хусайн ўртасидаги иттифок бархам топган.

**Сохибкироннинг обрўсини оширган малика**

Бирок бу жангдаги галабадан мўгуллар хеч нарса ютишмаган. Самарканд ахли она шахарларини душмандан химоя килиш учун оёкка турган. Уларга сарбадорлар рахнамолик килишган. Хокимиятни кўлга олган сарбадорлар беклар ва амалдорларнинг мулкини талонторож килишга киришган оломонни тўхтатиб колишган. Самарканд хокими ва Амир Темурнинг куёви Довуд Барлос кайногаси билан Кешдалигида унинг калъасига тажовуз бошланган. Калъада факат Темурнинг синглиси Кутлуг Туркон оганинг ўзи бўлган. Сарбадорлар етакчиси Мавлонозода оломонни амир Довуд Барлоснинг калъасини хонавайрон килишдан саклаб колган. Орадан киска вакт ўтиб, Темур ва Хусайн шахар остонасида пайдо бўлишган ва сарбадорларнинг пешволарини ёлгон эвазига кўлга туширишган. Сарбадорларнинг етакчилари катл этилган. Амир Темур хотинининг маслахатига кулок тутган холда катл ишларидан нарида турган. Темур синглисининг хонадонини талончиликдан асраган Мавлонозоданинг хаётини саклаб колган. Бу холат Темурнинг эл орасидаги обрўсига обрў кўшган.

**Ё мухаббат, ё ришта...**

Ўлжой Туркон эрига яна бир марта якиндан ёрдам берган. Факат бу гал маслахати билан эмас. Гап шундаки, Амир Хусайн Мовароуннахр тахтига яна бир одим якинлашиш учун мўгул маликасига уйланмокчи бўлган, лекин бу истакни рўёбга чикариш учун катта маблаг зарур бўлган. Амир Хусайн мўгулларга карши урушда катта талафот кўрганини рўкач килиб, мамлакат ахолисига катта солик солган. Соликни йигиш вазифаси Темурнинг куёви Довуд Барлос зиммасига юклатилган. Куёви соликни тўплай олмаслигини билган Темур бу муаммонинг ечимини излай бошлаган. Ечимни топишда Ўлжой Туркон жонбозлик кўрсатган. У Кутлуг Туркон ога хамда унинг эрига ёрдам бериш учун бор зеб-зийнатлари, шу жумладан, Амир Хусайннинг ўзи тортик килган такинчокларни хам Темурга топширган. Ўлжой Турконнинг фикрига Нурмушк ога хам

кўшилган. Амир Темур такинчокларни куёвига берган. Темур агар Амир Хусайн бу такинчоклар синглисиники эканлигини билса, фикридан кайтар деб умид килган, бирок очкўз Амир Хусайн буни билса хам ўзини билмаганга олган. Амир ва унинг хо-тинлари амалга оширган тадбир
Самарканд халкида Темурга нисбатан иликлик уйготган, Амир Хусайннинг обрўси эса тушиб бор-ган. Шундай кунларнинг бирида Темур кизлик бўлди ва унга Сул-тон Бахт Бегим деб исм кўйишди.

Амир Хусайн ўз синглисининг котилими? Бирок кизалокнинг тугилиши Амир Хусайнни инсофга чакирмади, аксинча уни газаб отига миндирди. У Темурни синглисига зугум килаяпти, деб ўйлаган ва такинчокларини топширишга эри мажбур килган деган хулосага келган. У синглиси ва жиянларини саройга таклиф этган. Синглисини ўзи томонда деб ўйлаган Хусайн куёвига карши фитна уюштиришни кўзлаган. Дастлаб у режалари хакида хеч нарса демаган, лекин кунлар ўтиши билан Ўлжой Турконни ўзи томон огдиришга уринган. Эрининг карорларини огаси нотўгри тушунганлигини англаган Ўлжой Темурни бошкача йўл тутишга ундаган вазиятларни Амирга тушунтиришга харакат килган. Ўлжой Туркон хар канча уринмасин, огасини фикридан кайтара олмаган. Натижада Ўлжойнинг хеч нарса демай, уйга кетишга хозирлик кўришдан бошка чораси колмаган. Хусайн синглисига Темурга огу беришни маслахат берган. Ўлжой огасининг илтимосини рад этган ва йўлга тушган. Ўлжой олти ёшли ўгли Умар Шайх ва бир ёшли кизи Султон Бахт Бегим хамда огаси бириктирган хизматкорлар хамрохлигида йўлга чиккан. Амир Хусайн синглисини сотиб кўйишидан кўркиб, Ўлжойни ўлдиртирган. Синглисининг ўлимида Амир Хусайннинг кўли борлигини тасдикловчи далил йўк, лекин унинг беайблиги хам исботланмаган. Умар Шайх онасининг ўлими учун тогаси - Амир Хусайндан касос олишган урингани тўгрисида маълумотлар бор. Буни карангки, Балх шахрини бошкараётган Амир Хусайн кўшинининг тор-мор келтирилишида Умар Шайх Мирзо етакчи бўлган. Бу конли жангда Хусайн билан бирга унинг икки ўгли хам халок бўлган.
Ўлжой Туркон ога икки ўт орасидаги киска умри мана шундан иборат. У эрига содик колиш учун ўлим билан юзма-юз келган ана шундай кахрамон аёл бўлган.

Рустам Нур тайёрлади. (Бекажон)